



Nukus shahri, 230100, A.Dosnazarov k. 62

No'kis qalasi, 230100, A.Dosnazarov k. 62

Tel: (0-361) 222-24-37, 222-98-30 www.kkedu.uz, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

23 - April 2021-jil/yil.

01-04/03-2119

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири
Ш.Шерматовга

Хурматли Шерзод Хотамович !

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 19 апрелдаги 7/288-сонли хати асосида куйидагиларни маълум этамиз.

Тахтакўпир тумани «Даўқара» ОФЙ худудида жойлашган 14-сонли умумтаълим мактабининг эски 250 ўринли биноси 1959 йили фойдаланишга топширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш соҳасини назорат қилиш инспекциясининг 2018 йил 8 октябрдаги хулосасига кўра, мактаб биносини манан эскирган, фойдаланишга яроқсиз эканлиги ва реконструкция ишларини олиб бориш имконияти йўқ эканлигини аниқланган.

Шу сабабли ушбу таълим муассасасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда таълим муассасаларини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги ПФ-3431-сонли Фармони асосида 2008 йили реконструкция ҳисобидан қўшимча 120 ўқувчи ўринли ва 2018 йили Инвестиция дастури асосида қўшимча 96 ўқувчи ўринга мўлжалланган мактаб бинолари қурилди. Бугунги кунда мактабда жами 77 ўқувчи таълим олмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Сиздан, Тахтакўпир тумани «Даўқара» ОФЙ худудида жойлашган 14-сонли умумтаълим мактабининг эски биносини туман ҳокимлиги томонидан бузиш ишларини олиб бориш учун Вазирлар Кенгаши қарорини чиқаришга рухсат беришингизни сўраймиз.

Кўшимча: Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш соҳасини назорат қилиш инспекциясининг хулосаси иолва қилинади.

Вазир

Р. Реимов